



ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ЧАКАНА БАНК ХИЗМАТЛАРИ БЎЙИЧА ТАРИФ СИЁСАТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Райимназаров Салоҳиддин,

Тошкент молия институти мустақил тадқиқотчиси.

Email: rayimnazarov95@list.ru, <https://orcid.org/0000-0001-7257-3973>

Избосаров Бобуржон

“Банк иши кафедраси” доценти, PhD

Email: boburbekizbosarov@gmail.com, <https://orcid.org/0000-0002-0763-073X>

CHARACTERISTICS OF FORMULATION OF THE TARIFF POLICY FOR RETAIL BANKING SERVICES IN COMMERCIAL BANKS

Rayimnazarov Salokhiddin,

An independent researcher at the Tashkent Financial Institute,

Email: rayimnazarov95@list.ru, <https://orcid.org/0000-0001-7257-3973>

Boburjon Bakhriddinovich

PhD, Associate Professor of the Department of Banking

Email: boburbekizbosarov@gmail.com, <https://orcid.org/0000-0002-0763-073X>

JEL Classification: E5, E58

Аннотация: Мазкур мақолада хорижий ва мамлакатимиз тижорат банкларида амалий фаолиятида қўлланилаётган тариф сиёсатини шакллантириш хусусиятларининг таққослама таҳлили натижалари акс эттирилган. Шу билан бир қаторда, тариф сиёсатини такомиллаштириш бўйича муаллиф тамонидан ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар ўз ифодасини топган. Банк фаолияти назарияси ва амалиётида асосан банк маҳсулоти, банк операцияси ва банк хизмати тушунчаларидан кенг фойдаланилади. Аммо уларнинг негизда товар тушунчаси ётади. Товар моҳиятан тарихан юзага келган моддий қимматликларнинг маҳсулот ва хизматлар кўринишидаги иқтисодий шакли ҳисобланади. Товарлар ва уларнинг ишлаб чиқарилиши муайян шароитда, яъни ижтимоий меҳнат тақсимотининг йирик уч босқичи орқали ривожланиши, ишлаб чиқариш воситаларига хусусий

мулкнинг пайдо бўлиши чоғида юзага келади. Меҳнат тақсимотининг уч йирик босқичининг бош натижаси меҳнат унумдорлигининг кўтарилиши бўлди. “Банк товари деган тушунча иқтисодий адабиётларда йўқ ва қўлланилмайди, лекин моҳиятан кўриб чиқилганда банк ўз операцияларини оддий маҳсулот ва хизматлар кўринишида олиб бормади. Ҳақиқатда, банк уларни товар шаклида ишлаб чиқаради ва сотади. Бу тегишли исботларсиз назария ва амалиёт томонидан товар – пул тизими инструментлари (бозор, талаб, таклиф, баҳо, қиймат, ишлаб чиқариш харажатлари, банк даромадлари, фойда, зарарлар ва х.к.) орқали тўлиқ тан олинади.

Abstract. This article presents the results of a comparative analysis of the characteristics of the formation of the tariff policy used in the practical activities of foreign and domestic commercial banks. In addition, suggestions and recommendations developed by the author on improving the

tariff policy have been expressed. The concepts of banking products, banking operations and banking services are widely used in the theory and practice of banking. But they are based on the concept of goods. Commodity is essentially the economic form of historically created material values in the form of products and services. Goods and their production occur under certain conditions, that is, during the development of the social division of labor through three major stages, and the emergence of private ownership of the means of production. The main result of the three major stages of the division of labor was an increase in labor productivity. "The concept of a bank product is absent and not used in economic literature, but when considered in essence, the bank does not conduct its operations in the form of ordinary products and services. In fact, the bank manufactures and sells them in the form of goods. This is fully recognized by theory and practice without relevant evidence through the instruments of the commodity-monetary system (market, demand, supply, price, value, production costs, bank income, profit, loss, etc.).

Калит сўзлар: *тижорат банклари, тариф сиёсати, чакана хизматлар, макроиқтисодий омиллар*

Key words: *commercial banks, tariff policy, retail services, macroeconomic factors*

Кириш. Тижорат банкларининг чакана хизматларини ривожлантириш, шу орқали корпоратив мижозлар ва жисмоний шахсларга таклиф этилаётган хизмат ва маҳсулотларнинг ҳажми ва кўлами ўртасидаги диспропорцияларни бартараф этиш масаласи замонавий банк ишининг мураккаб муаммоларидан бири ҳисобланади. Ўз навбатида чакана хизматлар оммабоплигини таъминлашда эътиборга олиниши лозим бўлган муҳим омиллар таркибига таклиф этилаётган хизмат ва маҳсулотлар турлари, улар

бўйича тарифлар баҳоси ҳамда мижозларнинг талабларига мослаштириш ҳолатини киритиш мумкин. Фикримизча, айнан ушбу омилларнинг тадқиқот объекти сифатида олиниши бир қатор муҳим саволларга жавоб олиш имконини беради. Биринчидан, таклиф этилаётган хизмат ва маҳсулотлар чакана истеъмолчиларнинг қандай гуруҳларига мўлжалланган ва улар истеъмолчиларнинг қандай турдаги эҳтиёжларини қондиришга мўлжалланган? Иккинчидан, таклиф этилаётган хизмат ва маҳсулотлар бўйича ўрнатилган тарифларнинг жозибадорлик даражаси қандай? Бунда шунини эътиборга олиш лозимки, хизмат ва маҳсулотлар тегишли қулайликларни яратиш билан бир қаторда, мижознинг молиявий ҳолатини яхшилашга йўналтирилиши зарур. Учинчидан, таклиф этилаётган хизмат ва маҳсулотлар комплекс хусусиятдами ёки алоҳида талабни қондиришга қаратилганми?

Материал ва метод.

Мамлакатимиз ва хориж олимларининг кўплаб илмий ишларида банк хизматлари, хусусан чакана хизматларга алоқадор муаммолар ўз аксини топган. Хусусан, Ф.Суяровнинг «Чакана банк хизматлари бозори» номли мақоласида тижорат банклари чакана хизматларига ритейл банкинг сифатида ёндашилиб, «Ритейл банкинг - жисмоний шахслар учун кўплаб банк хизматларини етказиб беришдир» деган хулоса қилинган. [1] Россиялик олимлар Г.Н. Белоглазова, А.М. Тавасиевларнинг фикрича, банк хизматининг негизида операция ётади, яъни банк операцияси натижасида банк хизмати яратилади ва ушбу операция банк мижози талабини қаноатлантиради. [2]

Юқоридаги иқтисодчилардан фарқли ўларок А.Н. Иванов банк маҳсулотига, алоҳида банк фаолияти

бўйича мижоз талабини қондириш учун ўзаро боғлиқ бўлган банк хизматлари тўплами ва операцияларини амалга оширилишини киритади. [3] Иқтисодчи олим Е.Ф.Жуков банк хизматлари тушунчасига фақат молиявий хизматларни киритган, у банк асосан операция бажаради деб ҳисоблайди. Банк операцияларини актив ва пасив операцияларга бўлиб, банкнинг молиявий хизматларига лизинг, факторинг, форфейтинг ва траст операцияларни киритади. [4] Рус олимаси С.В. Галицкаянинг қарши ҳам юқоридаги олимлар қарашларига мос келса-да, фақат улардан фарқли равишда банк хизматлари актив ва пасив операцияларни ўз ичига олади ва банк хизматининг объекти капитал деб ҳисоблайди. [5]

О.А.Попованинг “Платформалар концепцияси асосида инновацион экотизимни ривожлантириш жараёнларни бошқариш” номли илмий тадқиқот ишида хизмат кўрсатиш соҳасида янги бизнес-моделларни жорий этиш орқали иқтисодиёт соҳалари ва бозорларни трансформациялаш имкониятини кенгайтириши, платформалар алоҳида олинган компания доирасидан ташқарига чиқиши ҳисобига янги шаклдаги ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш ҳамда рақобат афзалликларини яратиши, рақамли платформалар инновацион иқтисодиётни шакллантириш драйверига айланганлиги, шунингдек, платформаларнинг ўзи доимий ўзгаришда эканлигини қайд этиб ўтган. Шу билан бир қаторда, ишда мазкур соҳадаги асосий муаммолар технологик платформаларни такомиллаштириш, инсон капиталини ривожлантириш, фаолият самарадорлигини ошириш билан боғлиқлик эканлиги эътироф этилган. [6]

З.Т.Мамадияровнинг “Тижорат банкларида масофавий хизматларни ривожлантириш” номли диссертация

ишида банк хизматларини масофавий банк хизматларининг самарадорлиги ошириш учун операцион харажатлар барқарорлигига эришиш, мижозларнинг қаноатланиши даражаси кўрсаткичини банк фаолиятига жорий этиш, банк инфратузилмасини молиялаштириш, рискларни бошқариш кредит амалиётини такомиллаштириш, мижозларга хизмат кўрсатишда махсус автоматлаштирилган режимни киритиш, банк филиалларида харажатларни камайтириш ва тўхтовсиз фаолиятни таъминлаш мақсадида 24/7 режимида ишловчи смартофисларни ташкил этиш, масофавий банк хизматлари оммабоплигини таъминлаш ва мижозлар сонини ошириш учун банк хизматлари бозорини таҳлил этишни кучайтириш борасида таклиф ва тавсиялар ўз ифодасини топган. [7]

Натижалар. Мақолада етакчи хорижий ва мамлакатимиз банклари томонидан амалий фаолиятида қўлланилаётган тариф сиёсатини белгилаб берувчи ички банк меъёрий ҳужжатлари таҳлилини амалга оширишга ҳаракат қиламиз.

Буюк Британиянинг Barclays Bank UK PLC фаолиятига 2022 йил 1 сентябрдан бошлаб “Barclays tariff for personal customers. Our bank charges explained” (Хусусий мижозлар учун Барклайз тарифлари. Банк йиғимлари таснифи) жорий этилган. Банк томонидан хусусий мижозларга таклиф этилаётган хизмат ва махсулотлар қуйидагилардан иборат:

1. Банкда ҳисобварақлар очиш.
2. Банкнинг дебет карталари орқали операцияларни амалга ошириш.
3. Банк кредитларидан фойдаланиш.
4. Тўловларни қайтариш ва клиринг операцияларини текшириш.
5. Бошқа хизматлар учун тўловлар ва уларнинг муддатлари.

6. Бошқа муҳим маълумотлар.

Юқоридаги йўналишларнинг ҳар бирини имкон қадар батафсил кўриб чиқамиз.

Банк ҳисобварақларини очиш тарифларида асосий этибор алоҳида

олинган ҳисобварақ турлари бўйича Barclays Blue Rewards, Barclays Avios Rewards ва Premier Banking дастурлари бўйича мукофот олиш имкониятига қаратилган.

1-жадвал

Barclays Bank UK PLC томонидан таклиф этилаётган мукофотли дастурларидан фойдаланиш хусусиятлари

| Ҳисобварақ тури | Barclays Blue Rewards | Barclays Avios Rewards |
|---|-----------------------|------------------------|
| Barclays Bank Account (жорий ҳисобварақ) | мумкин | йўқ |
| Premier Current Account (премьер жорий ҳисобварақ) | мумкин | мумкин |
| Barclays Basic Current Account (базавий жорий ҳисобварақ) | йўқ | йўқ |
| BarclayPlus Account (for 11–16 year olds) (болалар учун ҳисобварақ) | йўқ | йўқ |
| Young Person's Account (ёшлар учун ҳисобварақ) | йўқ | йўқ |
| Student Additions Account (талабалар учун ҳисобварақ) | мумкин | йўқ |
| Higher Education Account (олий таълим талабалари учун ҳисобварақ) | мумкин | йўқ |

1-жадвалда келтирилган дастурлардан фойдаланиш тартиби қуйидагича:

Barclays Blue Rewards дастуридан фойдаланиш учун миждозлар ўз ҳисобварағига (рухсат берилган) 800 фунт стерлинг киритиши ва 5 фунт стерлингга тенг ойлик тўловни амалга оширишлари зарур бўлади. Barclays Blue Rewards дастури иштирокчилари ўз ҳисобварағидан 2 ва ундан ортиқ тўловни амалга оширган учун 5 фунт стерлинг мукофот, шунингдек, суғурта, Barclayloan ва ипотека бўйича имтиёзлар олиш ва фақат мазкур дастур иштирокчилари учун мўлжалланган жамғарма омонати очиш имкони берилади.

Barclays Avios Rewards дастури иштирок этиш учун миждоз: Premier Banking ёки Wealth туридаги ҳисобвараққа эга бўлиши; барча

операцияларни фақат рақамли амалга ошириши; British Airways Executive Club да шахсий ҳисобвараққа эга бўлиши; бошқа дастурлардан воз кечиши; Barclays мобил иловасида рўйхатдан ўтиши зарур бўлади. Дастурда қатнашиш учун ойлик 12 фунт стерлинг миқдорда тўлов ундирилади. Банкнинг расмий сайтидаги маълумотларга кўра, мазкур тўлов эвазига 1500 Avios балли, кириш бонуси ва турли мукофотлар олиш имконини беради. Хусусан, 20500 Avios балли British Airways (Euro Traveller) эконоом классида Ниццагача учиш учун етарли бўлса, дастурда иштирокнинг ҳар йили учун бир маротаба British Airways нинг World Traveller Plus дан Club World гача бўлган салонларида учиш учун ваучер олиш мумкин бўлади.

Premier Banking бўйича банк хизматларига эга бўлиш учун жисмоний

шахсжа 75 000 фунт стерлинг миқдордаги даромад, жамғарма ҳисобварағидаги қолдиқ ваёки Barclays UK га инвестициялар 100 000 фунт стерлингдан кам бўлмаслиги лозим. Premier Banking учун ойлик тўлов 20 фунт стерлинг миқдорда белгиланган. Premier Banking эксклюзив қора карта олиш ҳар куни 1 000 фунт стерлинггача маблағни банкомат орқали олиш имконини беради.

Юқорида қайд этилган дастурларда иштирок этувчиларга қўшимча тарзда

суғурта пакетлари таклиф этилади. Жумладан, саёҳатчилар учун минимал 6 ой муддатга ойлик тўлови 18 фунт стерлинг бўлган Travel Plus Pack, ойлик 12,50 фунт стерлинг тўлови Travel Pack, йўл-транспорт ҳодисаларидан ойлик 9 фунт стерлинг тўлови Breakdown Cover Pack, техник ҳодисалар учун ойлик 14,50 фунт стерлинг бўлган Tech Pack ва бошқа суғурта пакетлари.

2-жадвал

Barclays Bank UK PLC томонидан овердрафт кредитлари тақдим этиш шартлари

| Овердрафт номи | Овердрафт шартлари | Изоҳ |
|-----------------------------|--|--|
| Barclays Personal Overdraft | Ҳоизлар овердрафт бўйича шартнома асосида | Овердрафт суммаси 1 200 фунт стерлингдан ошганда йиллик 35 фоиз (ўзгарувчан) ҳисобланади |
| Premier Current Account | Premier Banking талабларига мос келмаса ойлик 20 фунт стерлинг тўлов. 500 фунт стерлинггача фоизсиз. | Овердрафт суммаси 500 фунт стерлингдан ошса, йиллик 35 фоиз (ўзгарувчан) ҳисобланади |
| Student Additions | Овердрафт суммаси 1500 фунт стерлинггача фоизсиз. Молиявий ҳолат, кредит тарихи, кредитлаш мезонлари эътиборга олинган ҳолда. Овердрафт ҳисобварақ очиш ва 1 йилгача муддат давомида хизмат кўрсатилган бўлса, 500 фунт стерлинг, 1 йилдан ошиқ банк миждози бўлса 1 000 фунт стерлинггача, 2 ва ундан ошиқ 1 500 фунт стерлинггача. | Овердрафт қолдиғи 1200 фунт стерлинггача фоизсиз. |
| Higher Education | Олий таълим юртлари талабалари учун 3 йил муддатга 1500 фунт стерлинггача, фоизсиз. Молиявий ҳолат, кредит тарихи, кредитлаш мезонлари эътиборга олинган ҳолда. | Овердрафт қолдиғи 1 200 фунт стерлинггача фоизсиз. |

2-жадвал маълумотларидан кўринадик, опердрафт кредитларини таклиф этиш ва улар бўйича фоиз ставкаларини ўрнатишда Barclays Bank UK PLC миждозларни банкга хизматларининг жорий ва истикболдаги талаби даражасини белгилаб берувчи гуруҳларга ажратиш сиёсатини олиб бораётганлигини кўрсатади. Гарчи диярли барча турдаги жимоний шахсларга такдим этилаётган овердрафт кредитлари физ ставкаси йиллик 35 фоизни ташкил этган бўлса, талабалар (олий таълим ташқари) ва олий таълим талабалари учун опердрафт фоизсиз ажратилган. Бунда маълум чекловларнинг ўрнатиши (овердрафт колдиғи 1 200 фунт стерлинг) молиявий интизомни шакллантиришга қаратилган тадбир сифатида таснифланиши мумкин.

Овердрафт кредитлари бўйича келтирилган намунавий ҳисоб-китобларга кўра, 500 фунт стерлинг кредитдан 7 кун давомида фойдаланиш учун 2,88 фунт стерлинг, 30 кун учун 12,45 фунт стерлинг, 60 кун учун 25,21 фунт стерлинг миқдорида фоиз ҳисобланади.

Тўловларни амалга ошириш бўйича тарифлар қўйидагича ўрнатилган:

1. Буюк Британия ҳудудида

-банк бўлинмалари ёки телефон банкинги (telephone Banking) орқали CHAPS тўловлари – 25 фунт стерлинг;

-интернет банкинг орқали CHAPS тўлови – бепул;

- CHAPS тўловини бекор қилиш – 20 фунт стерлинг;

- бара каналлар орқали SEPA кредит ўтказмалари – бепул;

2. Буюк Британиядан ташқарига пул ўтказмалари ёки валюта конвертациясини назада тутувчи операциялар

-барча тўлов каналлари орқали кредит ўтказмалари – бепул;

- Barclays мобил иловаси ёки интернет банкинг орқали ҳалқаро ўтказмалар – бепул;

- банк бўлими ёки телефон банкинг орқали ҳалқаро ўтказмалар – 20 фунт стерлинг;

- АҚШ долларига конвертация қилиш билан тўловлар – 3 фунт стерлинг.

Barclays Bank UK PLC томонидан таклиф этилаётган чакана хизматлар ва улар бўйича ўрнатилган тарифлар юзасидан мулоҳазаларни баён қилишдан олдин, бир қатор маълумотларга эътибор қаратишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Хусусан, Англия банк томонидан эълон қилинган маълумотларга кўра, асосий ҳисоб ставкаси 2019 йил 2 майдан 2020 йил 3 мартга қадар 0,75 фоизни, 2020 йил 3 мартдан 2022 йилдан 18 январгача 0,1 фоизни, 2022 йил 3 февралдан 0,5 фоизни ташкил этган бўлса, 2022 йил 5 майдан 2022 йил 22 сентябргача аввал 1,0 фоизгача, сўнгра 1,25 фоизгача, ва яқунда 1,75 фоизгача кўтарилган. 2022 йил 22 сентябрдан Англия банкининг асосий ҳисоб ставкаси 2,25 фоиз даражада ўрнатилган.

3-жадвал

2022 йил май-сентябрь ойлари давомида Буюк Британия банк тизими фаолиятига оид асосий макроиктисодий параметрлар динамикаси

| Кўрсаткичлар | Ўлчов бирлиги | 2022 йилнинг 1-май ҳолатига | 2022 йил 1-сентябрь ҳолатига | Ўзгариш (+,-) |
|------------------------|---------------|-----------------------------|------------------------------|---------------|
| М0 пул агрегати | млн. GBP | 94 913 | 94 708 | -205 |
| М2 пул агрегати | млн. GBP | 3 070 326 | 3 082 372 | +12 046 |
| Англия банки активлари | млн. GBP | 1 077 869 | 1 077 141 | -728 |

| | | | | |
|---|---------------|-----------|-----------|------------|
| Халқаро заҳиралар | млн. GBP | 184 043 | 180 781 | -3 262 |
| Банк активлари | млн. GBP | 4 520 271 | 4 522 767 | +2 496 |
| Хусусий секторга ажратилган кредитлар | млн. GBP | 2 663 478 | 2 698 489 | + 35 011 |
| Кредитлар бўйича ўртача ставка | фоизда | 2,75 | 3,25 | +0,5 ф.п. |
| Депозитлар бўйича ўртача ставка | фоизда | 0,75 | 1,00 | +0,25 ф.п. |
| Инфляция даражаси | фоизда | 9,4 | 9,9 | +0,5 ф.п. |
| 25+ ёшдагилар учун минимал иш ҳақи 1соат учун | фунт стерлинг | 16,22 | 16,42 | +0,2 |

3-жадвал маълумотлари Англия банки томонидан асосий ҳисоб ставкасини кўтарилишига олиб келган омилларни ифодалаб беради. Биринчи навбатда эътибор қаратилиши лозим бўлган масала, фикримизча, инфляция даражаси ҳисобланади. 2022 йилнинг сентябрь ойига келиб инфляция кўрсаткичи 9,8 фоизни ташкил этиб, 2001 йилга нисбатан тарихий максимумни намоиш қилди. 2001 йилда ўртача йиллик инфляция 1,8 фоизга, 2010 йилда 4,6 фоизга, 2011 йилда 5,2 фоизга, 2020 йилда 1,5 фоизга, 2021 йилда 4,1 фоизга тенг бўлган. Қайд этиш лозимки, инфляция дражаси ва мамлакат ялпи ички маҳсулоти динамикасидаги салбий тенденциялар монетар сиёсат инструментларини қўллаш соҳасидаги ўзгаришларга ўзининг салмоқли таъсирини ўтказган. 2018 йил якунида Буюк Британия ЯИМи 2 218 196 млн.фунт стерлингни ташкил этган бўлса, ЯИМ ҳажми 2019 йил якунида 2 255 283 млн.фунт стерлингга, 2020 йил якунида 2 046 209 млн.фунт стерлингга, 2021 йил якунида 2 198 473 млн.фунт стерлингга тенг бўлиб, 2019 йилга нисбатан 56 810 млн.фунт стерлингга камайган. Бундан ташқари, 2020 йилдан бошлаб ходимларга тўланаётган соатбай иш ҳақи миқдорининг ошиб бориши (Англияда қонунчилик нормаларига биноан ходимларнинг ёшига қараб минимал

соатбай иш ҳақи меъёри белгилаб берилди) тижорат банкларининг чакана кредит хизматларига бўлган тарифлари қайта кўриб чиқишни тақозо қилмоқда. Хусусан, 2022 йилнинг апрель ойидан бошлаб 25 ва ундан юқори ёшдаги фуқаролар учун минимал иш ҳақи тўловлари миқдори соатига 15,95 фунт стерлинг миқдорда белгиланган. Сўнгги 2 йил давомида минимал миқдорнинг ўзгариши динамикаси: 13,39; 13,53; 13,68; 13,95; 14,22; 14,63; 15,03; 15,38; 15,69 ва 15,95 фунт стерлингга тенг бўлган.

Мазкур ҳолатлар ўз навбатида пул массаси таркибий тузилмасида ўз ифодасини топган. Хусусан, инфляцион жараёнларнинг (инфляцион таргет мақсадлари) олдини олиш мақсадида нақд пул операцияларининг қисқартирилиши М2 пул агрегати таркибида нақд пул салмоғини ўртача 3,1 фоиз (май ойига нисбатан 0,2 ф.п. кам) даражада бўлишини таъминлаб берди.

Инфляция даражаси ва Англия банки ҳисоб ставкаси тўхтовсиз кўтарилиб бориши, шунингдек, кредитлар бўйича ўртача фоиз ставкаларининг ошиб бориши (2022 йил сентябрь ойида 3,25 фоиз ташкил этган, холбуки 2021 йил октябрь ойида 1,1 фоиз, 2022 йил январь ойида 1,25 фоизга тенг бўлган) кредит ресурсларига бўлган талабни пасайтирмасдан аксинча, кўпайишига олиб келди. Хусусан, 2022

йилнинг май-сентябрь ойларида давомида хусусий секторга ажратилган кредит ҳажми 2 663 478 млн.фунт стерлингдан 2 698 489 фунт стерлинггача ёки 35 011 млн.фунт стерлингга кўпайган.

Юқорида келтирилган маълумотлар чакана банк хизматларини ривожлантириш борасидаги режаларни ишлаб чиқиш жараёнида ички банк имкониятлари, мижозларнинг талаблари билан бир қаторда, макроиктисодий параметрларни эътиборга олиш зарурлигидан далолат беради.

Мунозара. Мақоланинг кейинги босқичида мамлакатимиз тижорат банкларида чакана хизматлар бўйича тариф сиёсати йўналишларини ўрганишга ҳаракат қиламиз. Бунда бош эътибор рақамли сифатида позицияланаётган ҳамда фаолиятнинг асосий йўналишлари бўйича анъанавий банк тарзида танифланадиган банкларда жисмоний шахсларга таклиф этилаётган чакана хизматларнинг таққослама таҳлилига қаратилади.

4-жадвал

Тижорат банкларининг масофавий каналлари орқали таклиф этилаётган чакана хизматлар ассортименти (2022 йил 1 сентябри ҳолатига)

| т/р | “Алоқабанк” АТБ | “Анорбанк” АЖ |
|-----|---|--|
| 1 | - барча турдаги омонатлар бўйича амалиётлар | - талаб қилгунга қадар депозит ҳисобварақларини очиш, юритиш ва ёпиш |
| 2 | - барча турдаги кредит операциялари бўйича амалиётлар | - муддатли/жамғарма депозит ҳисобварақларини очиш, юритиш ва ёпиш |
| 3 | - хорижий валюта бўйича амалиётлар | - миллий валютадаги банк карталари ва кобейжинг карталарини муомалага чиқариш, хизмат кўрсатиш ва ёпиш |
| 4 | - миллий валютадаги банк карталари ва кобейжинга карталар бўйича амалиётлар | - оведрафт махсулотлари |
| 5 | - интерактив хизматлар | - микроқарз махсулотлари |
| 6 | - миллий ва хорижий валютадаги пул ўтказмалари амалиёти | - “Анор” бўлиб тўлаш карталари |
| 7 | | - жисмоний шахслар учун MasterCard халқаро тўлов тизими карталарини муомалага чиқариш, хизмат кўрсатиш ва ёпиш |

4-жадвалда келтирилган хизматларнинг ўзига хос хусусиятларини таҳлил этиб ўтамиз.

“Анорбанк” АЖ томонидан таклиф этилаётган банк карталари: TRIA картаси, HUMO – MasterCard кобейжинг картаси, MasterCard - ANOR BLACK картаси, MasterCard - ANOR BLACK Virtual.

“Анорбанк” TRIA картасининг ўзига хос хусусиятлари карта бўйича 1 млн.сўм ва ундан ошиқ бўлган ҳолатда йиллик 10 фоиз миқдорда даромад олиш

мумкинлиги, “Анорбанк” АЖ билан ҳамкорлик қилувчи ташкилотларда харид қилинаётган товар ва хизматлар учун 2 фоизлик кэшбэكنинг мавжудлиги, кэшбэк суммаси бўйича транзакцияларни амалга оширишда кэшбэк суммасининг 10 фоизи миқдорда комиссиянинг ундирилиши ҳисобланади.

HUMO – MasterCard кобейжинг картаси орқали MasterCard тизимида ишловчи бакоматларда нақд пулнинг олиш операцияси бўйича комиссия қиймати суммадан 2,5 фоизни, MasterCard тизимида товар (ишлар, хизматлар) учун комиссия миқдори тўловлар суммасининг 1 фоизига тенг.

Қолган турдаги карталар бўйича белгиланган шартлар ўртасида жиддий фарқланишлар мавжуд эмас.

Жисмоний шахсларнинг электрон ҳамёнига хизмат кўрсатиш нақд пулсиз кўринишда келиб тушган маблағлар учун

комиссиядан (миллий валютада 1 фоиз, хорижий валютада 0,5 фоиз) ташқари барча йўналишларда бепул. Конверсион операциялар (бир хорижий валютани иккинчи хорижий валютага алмаштиришдаги комиссия 1 фоиз) бепул амалга оширилиши кўрсатиб ўтилган.

Мобил илова орқали P2P операцияларини банк карталари доирасида амалга ошириш бепул, бошқа банклар ўтказмалар учун комиссия миқдори суммадан 0,25 фоиздан 1 фоизгача бўлган даражада ундирилади.

5-жадвал

Банк карталарига хизмат кўрсатиш бўйича “Анорбанк” АЖ томонидан ўрнатилган чекловлар

| Операция тури | Банк томонидан идентификацияланган мижоз | Масофадан идентификацияланган мижоз | Банк миждози бўлмаган шахс |
|----------------------------|---|---|--|
| Ўтказмаларни амалга ошириш | Банк картасидан исталган йўналишга ўтказмалар ойига 500 млн. сўмгача. Электрон ҳамён ва банк ҳисобварағидан ўтказмалар учун лимит мавжуд эмас | Банк картасидан ёки ҳисобварақдан исталган йўналишга ўтказмалар ойига 50 млн. сўмгача | Банк картасидан исталган йўналишга ўтказмалар ойига 20 млн. сўмгача. |

5-жадвал маълумотларидан кўринадики, “Анорбанк” АЖ томонидан тўловларни амалга ошириш борасида бир қатор чекловлар ўрнатилган. Мазкур чекловлар биринчи навбатда мижозларни идентификациялаш жараёни билан боғлиқ. Хусусан, банк ходимлари томонидан тўлиқ идентификацияланган мижозлар ойига 500 млн.сўмгача тўловларни амалга ошириш имкониятига эга бўлишса, мобил иловалар орқали масофадан идентификацияланган мижозлар 50 млн.сўмгача, банкнинг мобил иловасидан фойдаланувчиларнинг бошқа категориялари 20 млн.сўмгача тўловларни амалга оширишлари мумкин.

Келгуси босқичда “Алоқабанк” АТБ ва “Анорбанк” АЖ томонидан таклиф этилаётган чакана кредит хизматларининг таққослама таҳлилини ўтказишга ҳаракат қиламиз.

6-жадвал маълумотларидан кўринадики, “Алоқабанк” АТБ томонидан таклиф этилаётган чакана кредит хизматлари кўлами ва турлари бўйича “Анорбанк” АЖ кредит хизматлари пакетидан жиддий фарқланади. Гарчи “Алоқабанк” АТБ кредит хизматлари тўққизтани ташкил этган бўлса, “Анорбанк” АЖ да беш турда. Шунингдек, кредит хизматларининг минимал миқдори ва фоиз ставкалари нуктаи-назаридан номуофиклик

кузатилган. Хусусан, онлайн микроқарзнинг минимал суммаси “Алоқабанк” АТБ да 2,450 млн.сўм ва йиллик 26,9 фоиз ставкасида 1 ой муддатга бериладиган бўлса, “Анорбанк” АЖ унинг суммаси 50 млн.сўмни,

муддати 24 ойни, имтиёз (кэшбэк тақдим этиш шарти билан) йиллик 24 фоизни ташкил этади. Айнан шундай ҳолатни бошқа чакана кредит хизматлари бўйича кузатишимиз мумкин.

6-жадвал

Тижорат банклари томонидан таклиф этилаётган чакана кредит хизматлари

| т/р | “Алоқабанк” АТБ ¹ | | “Анорбанк” АЖ ² | |
|-----|---|---|----------------------------|---|
| | Чакана кредит хизмати номи | Шартлари | Чакана кредит хизмати номи | Шартлари |
| 1 | онлайн микроқарз | 2 450 минг сўмгача, 1 ойга, йиллик 26,9 фоиз | -микроқарз | 50 млн.сўмгача, 24 ойгача, йиллик 24 фоиз, фоиз бўйича кэшбэк |
| 2 | овердрафт | 100 БИҲМ гача, 12 ойга, йиллик 30 фоиздан бошлаб | -енгил пул 2.0 | 50 млн.сўмгача, 24 ойгача, йиллик 24 фоиз, фоиз бўйича кэшбэк |
| 3 | алоҳида категориядаги ёшлар учун | 30 млн.сўмгача, 20 йилгача, йиллик 18 фоиз | -харид нарҳини бўлиб тўлаш | 30 млн.сўмгача, 24 ойгача, фоизсиз |
| 4 | ипотека кредити | 416,5 млн.сўмгача, 20 йилга, йиллик 17 фоиз | -овердарафт | 5 млн.сўмгача, 12 ойгача, йиллик 40 фоиз |
| 5 | миллион дастурчи лойиҳаси доирасида | 25 БИҲМ гача, 12 ойга, МБ базавий ставкасининг 1,5 баробари | -автокредит | 190 млн.сўмгача, 24 ойгача, йиллик 24 фоиз |
| 6 | -истеъмол кредити | Шартнома асосида, 3 йилгача, йиллик 32 фоиздан бошлаб | | |
| 7 | -автокредит | Чекланмаган, 5 йилгача, йиллик 25 фоиздан бошлаб | | |
| 8 | -таълим кредити | Чекланмаган, 2 йилгача, йиллик 32 фоиздан бошлаб | | |
| 9 | -молия вазирлиги маблағлари ҳисобига таълим кредити | Чекланмаган, 7 йилгача, йиллик 14 фоиз | | |

Чакана кредит хизматлари биринчи навбатда банк ихтиёридаги молиявий ресурслар ҳажми, сифати ва муддатига

мос равишда ривожланиб боради ёки камайиш тенденциясига эга бўлади. Буни эътиборга олган ҳолда тижорат банклари

¹ <https://aloqabank.uz/ru/credits> маълумотлари асосида

² <https://www.anorbank.uz/credits/> маълумотлари асосида

томонидан таклиф этилаётган бир қатор омонат хизматларининг ўзига хос хусусиятларини таҳлил этамиз. Бунда

асосий эътибор омонатларнинг муддати ва фоиз ставкаларига қаратилади.

7-жадвал

Тижорат банклари томонидан таклиф этилаётган чакана омонат хизматларининг ўзига хос хусусиятлари

| т/р | “Алоқабанк” АТБ ³ | | “Анорбанк” АЖ ⁴ | |
|-----|------------------------------|--|----------------------------|--|
| | Чакана омонат хизмати номи | Шартлари | Чакана омонат хизмати номи | Шартлари |
| 1 | Фаровон келажак | Минимал 1 млн.сўм, 36 ойгача, йиллик 16 фоизгача | SMART 2.0 | Минимал қолдик 100,0 минг сўм, 13 ойгача, йиллик 23 фоиз |
| 2 | Жозиба плюс | Минимал 1 млн.сўм, 6 ойгача, йиллик 20 фоизгача | SHOSHILMASDAN 2.0 | Чекловсиз, 365 кунгача, йиллик 27 фоиз |
| 3 | Келажак учун | 18 йилгача, чекланмаган, йиллик 14 фоиздан | “Go” (хорижий валютада) | Чекловсиз, 24 ойгача, йиллик 5 фоиз |
| 4 | Comfort | Минимал 100 доллар, 12 ойгача, йиллик 4 фоизгача | | |

7-жадвалда келтирилган маълумотлар корпоратив миждозлар ва бошқа манбалардан жалб этилган барқарор ресурс базасига эга бўлган банклар чакана омонат хизматларини таклиф этишда консерватив позицияни эгаллаган ҳолда уларнинг жозибадорлик даражасига диққатли эътибор қаратишмайди. Хусусан, “Алоқабанк” АЖ томонидан таклиф этилаётган омонатлар банк бўлинмасига бориш (офлайн) ёки мобил илова орқали (онлайн) йўли билан очилиши мумкин бўлсада, омонатлар бўйича фоизларнинг 16-20 фоизлик диапазонда ўрнатилиши миждозларнинг реал даромадининг (инфляция даражасига коррективланган) ўсиб боришини таъминлаб бера олмайди. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотларига қараганда жисмоний шахсларнинг депозитлари бўйича ўртача

тортилган номинал фоиз ставкалари 2021 йилнинг декабрь ойида 20,2 фоиз даражасида шаклланган бўлса, юридик шахсларнинг депозитлари бўйича 15,1 фоизни ташкил этган. Миллий валютадаги муддатли депозитлар бўйича реал фоиз ставкалари (инфляция даражасини инобатга олиб ҳисоблаганда) 2021 йилнинг декабрь ойида жисмоний шахслар бўйича 9,3 фоиз ва юридик шахслар бўйича 4,7 фоиз бўлган⁵. Шу ўринда қайд этиш лозимки, юқоридаги ҳолатни диққатли барча йирик тижорат банкларининг омонат операцияларида кузатишимиз мумкин. 2022 йилнинг 1 сентябри ҳолатига Асақабанкнинг “Максимал фойда” омонати бўйича фоиз ставкаси йиллик 14-21 фоиз, “Аванс” омонатида йиллик 17-19 фоиз, Ипотекабанкнинг “Ниҳол онлайн” омонати бўйича йиллик 17,5-21 фоиз,

³ <https://aloqabank.uz/ru/deposits> маълумотлари асосида

⁴ <https://www.anorbank.uz/deposit/> маълумотлари асосида

⁵ https://cbu.uz/upload/iblock/df2/Pul_kredit-siyesati-sharhi--2021-yil-IV-chorak.pdf маълумотлари асосида

Капиталбанкнинг “Олтин куз” омонати бўйича йиллик 16-17 фоиз бўлган.

Банк хизматлари бозорининг омонатлар сегментига фаол тарзда кириб келаётган молия ташкилотлари фаолиятида бунга аксинча ҳолат мавжуд. Хусусан, “Анорбанк” АЖ томонидан таклиф этилаётган омонатлари юқори фоиз ставкаларини ўрнатиш билан бир қаторда қўшимча имтизларнинг берилиши назарда тутилган. Бу йўналишдаги имтиёзлар жумласига Smart 2.0 ва Shoshilmasdan 2.0 омонат турларини бирлаштирган тарзда омонатнинг даромадлилик даражасини ошириш имкониятнинг яратишни киритиш мумкин.

Хулоса

Амалга оширилган ўрганишлар асосида қуйидаги хулоса ва таклифларни қайд этиш мумкин:

-биринчидан, тижорат банкларининг чакана хизматлари қўлами ва тариф сиёсати макроиктисодий вазиятга ўта сезувчан ҳисобланади. Макроиктисодий дараждаги исталган салбий ҳолатлар (инфляция даражаси, марказий банк базавий ставкасидаги тебранишлар, аҳоли даромадларидаги ўзгариш ва бошқалар) чкана хизматлар бозорида ўз ифодасини топади ва тижорат банкларининг комиссион даромадлари ҳажмига бевосита таъсир ўтказувчи бош омил бўлиб қолади;

-иккинчидан, чакана банк хизматлари истеъмолчилари даромади даражаси, ёши, маълумоти, фаолияти йўналиши, қизиқишлари ва бошқа хусусиятларни эътиборга олган ҳолда дифференциялашган пакетлар кўринишида бўлиши мақсадга мувофиқ. Шу билан бир қаторда, мазкур пакет ўз таркибига қўшимча хизматлар, турли имтиёзлар ва кэшбэкларни олиши лозим. Буни биз Barclays Bank UK PLC чакана хизматлари пакетида кўришимиз мумкин.

Кэшбэк ва имтиёзлар тизими тадқиқ этилган “Анорбанк” АЖ фаолиятига маълум даражада тадбиқ этилган бўлсада, уларнинг таъсир доирасида етарли даражада катта эмас. “Алоқабанк” АТБ диярли қўлланилмайди. Бунинг натижасида чакана хизматларнинг оммабоплиги таъминласдан қолмоқда;

-учинчидан, тариф сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнида банк учун устувор ҳисобланган фаолият йўналишлари эмас, балки макроиктисодий вазиятни янада яхшиланишига олиб келувчи стратегик вазифалар эътиборга олиниши лозим бўлади. Хусусан, бунда Barclays Bank UK PLC томонидан исталган мамлакатнинг келажagini таъминлаб берувчи таҳсил олувчи ёшларга ажратилаётган кредитлар ноль ставкада ажратилишини қайд этиш мумкин. Айни пайтда “Алоқабанк” АТБ томонидан таклиф этилаётган таълим кредитлари (молия вазирлиги маблағлари ҳисобидан ажратилаётган таълим кредитларидан ташқари) фақат 2 йил муддатга ва йиллик 32 фоиз билан берилиши, “Анорбанк” АЖ томонидан умуман бундай кредит хизматининг мавжуд эмаслиги салбий ҳолат сифатида таснифланиши мумкин;

-тўртинчидан, корпоратив миқозлар ва турли манбалардан жалб этилган қарз маблағларига қарамлик даражасини пасайтириш банк фаолиятининг муҳим муаммоларидан бири ҳисобланади. Бунда аҳоли омонатларнинг иктисодий манфаатлилик даражасини ошириш борасидаги тадбирлар самарадорлигини ошириш муаммони бартараф этиш борасида қўйилган биринчи қадам бўлиши мумкин. Бунинг учун тариф сиёсатини ишлаб чиқишда реал фоиз ставкаларининг инфляция даражасидан паст бўлмаслигини таъминлаш зарур бўлади. Реал фоиз ставкасининг йиллик 9,3 фоиз

бўлиши уларнинг жозибдорлигини таъминлаб бера олмайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги ПФ-5992-сонли Фармони
2. Суяров Ф. «Рынок розничных банковских услуг». Бозор, пул ва кредит журнали. 2002 й 8 август 15-б
3. Тавасиева А.М. «Дополнительные операции для клиентов» Москва «Ф и С» 2005г 13 с
4. Иванов А.Н «Банковские услуги: зарубежный и российский опыт» Москва «Ф и С»2002г 176 с
5. Жуков Е.Ф. «Банковское дело» М.: ЮНИТА-ДАНА 2007г 250 с
6. Галицкая С.В. «Деньги, кредит, банки». Полный курс. Москва изд. «Эксмо» 2008 г 253 с
7. Попова О.А. Управление развитием инновационной экосистемы на основе платформенной концепции. Диссер. на соис. уч. степ. канд. экон. наук. Воронеж 2021.
8. Мамадияров З.Т. “Тижорат банклариди масофавий хизматларни ривожлантириш”. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Тошкент 2021.
9. <https://www.barclays.co.uk/content/dam/documents/personal/current-accounts/barclays-tariff-for-personal-customers.pdf> маълумотлари асосида
10. <https://www.statista.com/statistics/374890/rpi-rate-forecast-uk/> маълумотлари асосида
11. Англияда миллий минимал соатбай иш ҳақи меъёри ҳар йилнинг 1-апрели санасида тасдиқланади. Асос: <https://www.gov.uk/government/publications/the-national-minimum-wage-in-2022>
12. “Алоқабанк” АТБ бошқарувининг 2022 йил 8 июндаги 237-сонли қарори билан тасдиқланган “Банк хизматлари учун тарифлар”да келтирилган маълумотлар асосида
13. “Анорбанк” АЖ бошқарувининг 2022 йил 22 августдаги 26-сонли қарори билан тасдиқланган “Жисмоний шахсларга хизмат кўрсатиш бўйича универсал шарнома” маълумотлари асосида